Хизмат кўрсатиш бўйича шартнома

ШАРТНОМА № 3

«2» 02 2022 йил Бағдод шахарчаси

Бизлар ким имзо чекиб шартнома тузувчилар келгусида «Хизмат курсатувчи» деб аталувчи „Devyut avtotex servis" МЧЖ. номидан рахбари Ш.Хайруллоев бир томондан ва келгусида «Буюртмачи» деб аталувчи Бағдод тумани хокимлиги номидан туман хокими Ю.Хусаинов ушбу шартномани имзолаш билан куйидагилар келишилди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1«Буюртмачи» нинг буюртмасига асосан «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи»га фойдаланишдаги фойдаланишдаги хизмат енгил автомобилларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш хизматини кўрсатади.

1.2«Хизмат кўрсатувчи» ушбу шартномага асосан «Буюртмачи» га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги хизмат енгил автомобилларини жорий таъмирлаш ишларини хизмат курсатиб беради , «Буюртмачи» кўрсатилган хизматни қабул қилиб олиб, тўлов хужжатларини амалдаги конунчилик талабларига мувофик расмийлаштириб, харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1 «Хизмат кўрсатувчи» «Буюртмачи» фойдаланишидаги хизмат енгил автомобилларига жорий таъмирлаш ишлари бўйича техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширади:

| № | М А З М У Н И | Хизмат машинаси сони | Ишлар хажми комплект | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Нуқсон далолатномага асосан машина жорий таъ- | | | | |
| 2 | мирлаш харажатлари | | 1 | 4000000 | 4000000 |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| 6 | | | | | |
| | **Жами:** | Х | Х | Х | 4000000 |

Мазкур шартноманинг умумий киймати 4000 000 (Тўрт миллион сўм) сўмни ташкил этади. Кўрсатилган хизмат шартнома тузиш вактида микдори, нархи ва хизмат курсатиб бериш муддати ушбу шартномада курсатиб утилади.

2.2 «Хизмат курсатувчи» тегишли даврда томонларнинг узаро келишувига мувофик белгиланган микдорда юкорида курсатилган хизмат енгил автомобилларини жорий таъмирлаш ишларини бажаради. .

2.3 «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи» такдим этган хужжатларга асосан хисоб-китобни узаро келишилган муддатларда «Хизмат курсатувчи» хисоб-ракамига пул утказиш йули билан амалга оширади.

2.4 «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи» га хизмат енгил автомобилларини жорий таъмирлаш ишларини хизмат курсатиш хизматининг 30 фоиз хакини олдиндан утказиб беради, курсатилган куйидаги хизматнинг колган суммасини «Буюртмачи» хисоб варак фактура олган кундан 10 иш куни муддат ичида туловни амалга оширади.

2.5 «Хизмат курсатувчи» бажарилган хизмат учун «Буюртмачи» га хужжатларни такдим килади. «Буюртмачи» такдим килинган тулов хужжатларига асосан шартноманинг туловлар жадвали доирасида туловни амалга оширади.

## 3. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

3.1 Мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар уз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

3.2 «Буюртмачи» муддатлар бузилган холда курсатилган хизматни кабул килишни рад этишга хаклидир.

3.3 «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи» томонидан курсатилган хизмат уз вактида курсатилмаган ёки сифатсиз хизмат курсатган холатларда шартномани «Хизмат курсатувчи» ни ёзма хабардор килган холда бир томонлама бекор килиш мумкин. Колган холатларда шартнома шартларига тегишли узгартиришлар томонларнинг узаро кушимча келишувларига мувофик киритилади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 «Хизмат курсатувчи» бажарилган хизматни сифатли бажариб конунга асосан кафолатлайди. Сифатсиз бажарилган хизмат аникланса уша пайтнинг узида аникланган камчиликлар бартараф этилади.

4.2 «Буюртмачи» уз талабномаси буйича курсатиладиган хизмат мазкур шартномага мувофик кабул килиш.

## 5. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1 Хизмат курсатиш муддатлари кечиктириб юборилган, тулик курсатилмаган холларда, «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган хар бир кун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси курсатилаётган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш «Хизмат курсатувчи» ни хизмат курсатиш муддатларини кечиктириб юбориш, тулик хизмат курсатмаслик окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

5.2 «Буюртмачи» томонидан келишилган хизмат учун пул утказиш оркали бажарувчини хисоб ракамига тушмай колса хар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг умумий суммасини 50 фоизидан ошмаган холда 0,5 фоиз пеня тулайди.

## 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1 Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кура, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чоралирини курадилар.

6.2 Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита хужалик судига мурожаат килишга хаклидир.

## 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома 2022 йил «02» 02 дан 2022 йил «31» XII тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошкармаси (булим)да руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

8,2 Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тулик тугалланган такдирда тухтатилади.

## 8.КУШИМЧА ШАРТЛАР

9.1 Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага кўшимча битим имзоланган ҳолда конуний деб ҳисобланади.

## 9.ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУКИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

| **«Хизмат курсатувчи»** | **«Буюртмачи»** |
|---|---|
| ООО „Debyut avtotex servis" | Бағдод тумани хокимлиги |
| Адрес Фер. обл. Олтиарик. | Манзил: Бағдод ш. Мустақиллик кўчаси 15 |
| ИНН: 303731132 | Тел./факс 4792776 |
| Х/Р 20208000600567551001 | Ш х\р 100022860302097011204018001 |
| МФО 00401 Ипоке банк Кўқон | СТИР 200159001 Оконх: 97600 |
| | Молия Вазирлиги Газначилиги ягона газна хр |
| Рахбар: ____ Ш. Хайдуллаев | Х/Р: 23402000300100001010 |
| | Марказий банк Тошкент ББХККМ |
| | Газначилик стири: 201122919 МФО 00014 |
| | Рахбар: ____ Ю.Хусаинов |

Хукукшунос: ____ Н. Абдужалилов

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Туман хокимининг 1-ўринбосари: Ш.Дехқонов

"____________________________________ 2022 й

## НУҚСОН ДАЛОЛАТНОМАСИ

Бизлар қуйида имзо чекиб далолатнома тузувчилар OOO Debyut avtotexservis вакили Ш. Хайруллоев ва туман ҳокимлиги вакиллари А.Саидов, Ғ.Тўлқинов, О.Абдурахмоновлар ушбу нуқсон далолатномасини шу хақда туздикки, бўлим тасарруфидаги TRACKER va NEXIA 3 автомабилларини кўздан кечирганимизда қуйидаги ишларни амалга оширишни зарур деб топдик:

| N п.п. | Кайси автомашина | Бажариладиган ишлар номи | ўлчов миқдори | миқдори бир ўлчов бирлигига | нархи | суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1 | TRACKER | Аккумлятор алмаштириш | дона | 1 | 880000 | 880000 |
| 2 | TRACKER | Автошина алмаштириш | дона | 1 | 900000 | 900000 |
| 3 | TRACKER | Мой алмаштириш | компл. | 2 | 550000 | 1100000 |
| 4 | NEXIA 3 | Мой алмаштириш | компл. | 5 | 224000 | 1120000 |
| 5 | | | | | | |
| 6 | | | | | | |
| | | жами | | | | 4000000 |

**Жами :**

Комиссия аъзолари

**О.Абдурахмонов**

**Ғ.Тўлқинов**

**А.Саидов**

DEBYUT AVTOTEX SERVIS

Вакил